

УЎК 343.2

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛАКЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШДА ТАКТИК- БОШҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Умурзоқов Бахтиёр Боходирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта ўқитувчиси,  
подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11285814>

**Аннотация.** Мақолада оммавий тартибсизликларни бартараф этиш ва жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органларининг тактик ва бошқарув фаолиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинади. Муаллиф ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хорижий тажрибаси ҳам қисқача таҳлил қилинди.

**Калим сўзлар:** ички ишлар органлари, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тактик ва бошқарув фаолияти.

## IMPROVING THE TACTICAL AND MANAGERIAL ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN SUPPRESSING MASS RIOTS AND ENSURING PUBLIC ORDER

**Abstract.** The article discusses problems associated with the peculiarities of improving the tactical and managerial activities of internal affairs bodies in suppressing mass riots and ensuring public order. The author conducted a brief analysis of foreign experience in the activities of internal affairs bodies and law enforcement agencies in protecting human rights and ensuring public safety.

**Key words:** internal affairs bodies, maintaining public order, ensuring public safety, tactical and management activities.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТАКТИКО-УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В ПРЕСЕЧЕНИИ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы связанные с особенностями совершенствования тактико-управленческой деятельности органов внутренних дел в пресечении массовых беспорядков и обеспечении общественного порядка. Автором проведен краткий анализ зарубежного опыта деятельности органов внутренних дел и правоохранительных структур в защите прав человека в обеспечении общественной безопасности.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, охрана общественного порядка, обеспечение общественной безопасности, тактико-управленческая деятельность.

Ўзбекистон Республикасизда кейинги йилларда ички ишлар органларининг (ИИО) жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизликларни бартараф қилишда ҳуқуқий, тактик-бошқариш тартибини такомиллаштиришга оид бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу маънода айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар билан бирга

ҳали жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳам мавжуд.

ИИОнинг жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизлакларни бартараф қилишда тактик-бошқариш фаолиятини такомиллаштиришда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, унинг илмий-назарий асосларини янада бойитишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган қарашларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ИИОнинг жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизлакларни бартараф қилишда тактик-бошқариш фаолиятинининг самарадорлигини янада ошириш муаммолари кўп жиҳатдан таҳлил этилаётган соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик асосларига бевосита боғлиқ. Бизнингча, мазкур йўналишларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш фаолият самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади.

ИИОнинг жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизлакларни бартараф қилишда тактик-бошқариш хусусиятларига оид муаммолари соҳани такомиллаштириш борасида энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Зеро, ушбу соҳани самарали бошқариш уни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни мунтазам таҳлил ҳамда мониторинг қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади.

Бугунги кунда ИИОнинг жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизлакларни бартараф қилишда ҳуқуқий қоидалари бевосита тартибга солишга хизмат қилмасдан, балки бу борадаги айрим ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан чекланмоқда. Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида эса мазкур фаолиятнинг умумий қоидалари, асосий йўналишлари ва вазифалари ҳамда субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ИИО бўлинмалари фаолиятининг механизми фақатгина Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий ҳужжатлари билан белгиланган, холос.

ИИОнинг жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизлакларни бартараф қилишда тактик-бошқариш фаолиятини такомиллаштиришга оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, соҳанинг ташкилий-тактик бошқарув фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришини самарали ташкил этишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини “Республика –

---

<sup>1</sup> *Матчанов А.А.* Правовые и организационные основы принятия решений в досудебном производстве уголовного процесса Республики Узбекистан. Монография. – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2003. – 171 с.

вилоят – туман – маҳалла” даражасидаги бўғинларга ажратга ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир маъмурий ҳудуднинг электрон криминоген харитасини яратиш ва шу асосда куч ва воситаларни автоматик тақсимлаш ҳамда тезкор бошқариш, ҳодиса ва жиноятларни олдиндан прогнозлаш ҳамда ҳодиса содир бўлган жойга йўналтирилаётган ходимларни ҳаракатлар алгоритми бўйича рақамли услубий кўрсатмалар билан таъминлаш имкониятини берувчи махсус дастурий тизимларнинг жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу дастурнинг яратилиши қуйидагиларга имкон беради: *биринчидан*, жиноятларни прогноз қилиш асосида ҳудуднинг ўзига хос криминоген харитасини тузиш ва у асосида куч ва воситаларини кунлик тақсимлаш ҳамда тезкор бошқариш бўйича услубий кўрсатмаларни автоматик тарзда юбориш; *иккинчидан*, ҳудудда содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳодисаларни автоматик прогнозлаш орқали уларни барвақт олдини олиш; *учинчидан*, ҳодиса содир бўлган жойга йўналтирилаётган ходимларни содир этилган жиноят, жиноятчи ва жабрланувчига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланиш алгоритми бўйича электрон услубий кўрсатмалар билан таъминлаш; *тўртинчидан*, ҳудуддаги криминоген вазиятни инсон омилисиз баҳолаш асосида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар йўналишини белгилаб беради.

ИИОнинг жамоат тартибини таъминлаш ва оммавий тартибсизлақларни бартараф қилишда тактик-бошқариш фаолиятини такомиллаштиришда фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ҳам муҳим. Чунки бу жараёнда ҳар қандай хато ёки эътиборсизлик, ўзибўларчилик кайфиятига берилиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, “*Фаол фуқаро*” деб номланган дастурий тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган фуқаролар бу ҳақда дарҳол ички ишлар органларига телефон орқали оғзакидан ташқари, электрон кўринишда ҳам хабар бериш имконини беради ва натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.

Бу борада хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Германияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги диққатга сазовор. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақда дарҳол давлат органларига электрон кўринишда хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади<sup>2</sup>.

Кўча ва жамоат жойида содир этилаётган жиноятларнинг аксарият қисми кафе-бар, тунги клублар ва ресторанлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, “*Тартибот посбони*” механизмини жорий этиш таклиф этилади. Унга кўра, ҳудуддаги ҳар бир кўнгилочар объект раҳбари, юридик шахс мақомидан фойдаланиб, ўз буйруғига асосан ишчи ходимлари орасидан бир нафарини объект ҳудудида жамоат тартибини сақлашга масъул сифатида бириктиради. Ушбу масъул шахс – “Тартибот посбони”нинг асосий

<sup>2</sup> Нурбеков И. М. Организация и тактика взаимодействия с иностранными компетентными органами при расследовании преступлений международного характера: монография / И. М. Нурбеков; под науч. ред. А. Г. Волеводза. – М.: Юрлитинформ, 2012. – 248 с.

вазифаси ҳудудда бириктирилган жамоат хавфсизлигини таъминлашга жавобгар органлар билан доимий алоқада бўлиб, объект ҳудудида содир этилган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатлар ҳамда уни содир этиш сабаб ва шароитларини бартараф этиш бўйича мурожаат қилиш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур.

#### **REFERENCES**

1. Матчанов А.А. Правовые и организационные основы принятия решений в досудебном производстве уголовного процесса Республики Узбекистан. Монография. – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2003. – 171 с.
2. Нурбеков И. М. Организация и тактика взаимодействия с иностранными компетентными органами при расследовании преступлений международного характера: монография / И. М. Нурбеков; под науч. ред. А. Г. Волеводза. – М.: Юрлитинформ, 2012. – 248 с.